



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (12.657)

Баҳоси эркин нарҳда

«ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БУЮК АЖДОДЛАРИ ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИГА БЕБАҲО ҲИССА ҚЎШГАНЛАР»



Жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштироки олдидан Кембриж форумининг (Буюк Британия) Марказий Осиё бўйича раиси Сиддхарт Саксена «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида куйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Маданиятлараро ва давлатлараро ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш учун юртингизга тақлиф қилинганим мен учун катта шарафдир. Ўтмишнинг буюк мероси ҳақида сўзлар эканмиз, Ўзбек халқининг улғу аждодлари жаҳон илм-фани ривожига қўшган бебаҳо ҳиссани қайд этиш муҳимдир. Ўрта асрлар Шарқ алломалари, мутафаккирларининг ақли машъаллари йўлларни ёритгани бизга бугун яратиб ва фикрлаш имконини бермоқда.

Шуни қувонч билан қайд этишим мумкинки, Ўзбек халқининг буюк аждодлари қолдирган ана шу мерос бугунги кунда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бугун бизни қуршаб турган деярли барча асбоб-ускуналар — мен ушлаб турган микрофондан тортиб, то машиналар самолётларгача буюк аллома ал-Хоразмий ишлаб чиққан алгоритм концепцияси туфайли мавжуддир. Умуман олганда, техника инқилоби унинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Математика ёки замонавий электроник соҳалардаги инновация концепциялари ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Бундан 100 йилдан зиёددор давр бурун Кембрижда британиялик олим Жозеф Томпсон томонидан электроннинг иштироки қилинишида ал-Хоразмийнинг кашфиёти ўз аксини топди. Электрон бундан минг йил аввал ал-Хоразмий ишлаб чиққан алгоритм тамойили асосида ҳаракатланади. У бизнинг энг инновацион ва гаройиб маҳсулотга — компьютер ҳамда унинг процессорига эга бўлиш имконини бердики, унинг ёрдамида самолётлар учмоқда, мураккаб қурилмалар ишлатилмоқда. Шу тариқа улар одамларнинг кундалик қўлларини енгиллаштирмоқда.

Бугун Ўзбекистонда илм-фан ривожланмоқда ва бу жаҳон илмий-техникавий тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилишти, деб айтишга асослар етарли. Биз шериклик муносабатлари руҳида Ўзбекистонлик касбдошларимиз билан бундан кейин ҳам елкама-елка туриб меҳнат қилишдан мамнун бўламиз.

«Жаҳон» АА,
Лондон

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, ўқишнинг давом эттириш ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш мақсадида шаҳримиздаги «Ёшлар ижод саройи»да «Касб ва мутахассислик фестивали» ҳамда «Таълим ва мутахассислик» кўргазмаси ўтказилди.



БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛИ

Ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди. Унда олий таълим муассасалари, шаҳримиздаги мавжуд ўқув марказлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мазкур фестиваль икки босқичда ўтказилган бўлиб, биринчи босқич 5-8 май кунлари барча туманларда бўлиб ўтди. Унда мактаб битирувчилари учун академик лицей ва касб-хунар коллежлари томонидан таълим йўналишлари кўргазмаси ва тақдирмолари уюштирилди.

«Ёшлар ижод саройи» да ўтказилган тадбирда эса пойтахтимизда жойлашган, 32 та олий таълим муассасаларининг кўргазмалари уюштирилди.

Фестиваль давомида олий ўқув юрталарининг мутасадди ходимлари томонидан ёшларга ўқув муассасасидаги таълим йўналиши, ўқишнинг тамомлаганидан сўнгги истиқболлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Кўргазмада Тошкент шаҳридаги 120 та ўрта махсус, касб-хунар

таълими муассасаларидан 35 минг 700 дан зиёд битирувчилар ва шаҳримиз маҳаллаларидан 5000 нафардан ортиқ ёшлар қатнашди.

Сайил доирасида меҳнат ярмаркалари ҳам ташкил этилиб, унда 60 га яқин корхона ва ташкилотлар томонидан бўш иш ўринлари тавсия этилди.

Мамлакатимизда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўқишнинг давом эттириши, бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Босит Умарходжаев. — Бу ишларнинг замирида уларнинг ҳаётда ўз йўлини топиши, бахтли ва фаровон келажаги мўжассамдир.

Бинобарин, баркамол авлоднинг нури ва истиқболли эртасида бундай тадбирлар ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топиши ва ишга жойлашши самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

— Мен Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей битирувчиси, — дейди фестиваль қатнашчиси Жаҳонхон Файзуллаев. — Бугунги тадбирда иштирок этиш жараёни

да ўзимга ва танлаган ўқишимга бўлган ишончим янада мустаҳкамланди. Ўқишнинг кейинги босқичини Тошкент Молия институтида давом эттирмоқчиман ва келажақда молия соҳасининг етук мутахассиси бўлишни истайман.

— Мен эса зардўзлик дизайнери бўйича иш фаолиятимни давом эттирмоқчиман, — дея суҳбатга қўшилди Олмазор туманидаги Қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи битирувчиси, «Ёш тадбиркорлар» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг ёш фаол хунарманд» номинациясида учинчи ўринни эгаллаган Д.Ёрмухамедова. — Ёшлар учун ҳамма эшиклар очик, кредит олиш, бизнес-режа тузиш, жой олиш, умуман тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар етарли. Мен ҳам яқин орада ўз тадбиркорлик фаолиятимни бошлайман.

Дарҳақиқат бундай тадбирлар истиқболли порлок, келажаги ёрқин ёшларимизнинг маънавий оламини янада бойитиб, уларнинг ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, ўқиш ва ишларида, изланиш ҳамда қизиқишларида маълум бир маънода туртки бўлади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссияларининг фаолияти мониторингини ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов бўйича қонун ҳужжатлари мавзусига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

• Нукусда бўлиб ўтган «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 14 нафар ҳамшира ўз билим ва маънавиятини намойиш этди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган танловда Нукус шаҳридаги кўп тармокли тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими ҳамшираси Гуллойим Жиянбоева биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Андижон туманидаги «Панокс люкс сервис» хусусий корхонасида ўн етти турдаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда «Ўз Донг Янг Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси билан 120 миллион сўмлик ҳамкорлик шартномаси имзоланиши маҳсулот турини кўпайтириш ва 20 янги иш ўрни яратиш имконини берди. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти касб-хунар коллежини битирган ёшлардир.

• Наманганда «Юксак маънавиятли авлод» республика иқтидорли ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Биринчи ва иккинчи босқичларида 77 минг нафардан зиёд 14-25 ёшли ўғил-қиз иштирок этган фестивалнинг вилоят босқичида 216 нафар ёш ўз омадини синаб кўрди.

ЖАҲОНДА

• Бир гуруҳ археологлар Кариб денгизидан Христофор Колумб кемаси қолдиқларини топишди. Унга Гаити давлатининг шимолий соҳилларида дуч келинган. Экспедиция раҳбари Барри Клиффорднинг ишонч билан айтишича, олинган маълумотлар таҳлили топилма айнан Колумб саёҳат қилган «Санта Мария» кемасига тегишли эканлигини кўрсатмоқда.

• Франциянинг «Banque de France» банки жорий йилнинг иккинчи чорагида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,2 фоиз ўсишини билдирди. Бу еврохудудга аъзо давлатлардаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар камдир. Масалан, 2014 йилнинг апрель-июнь ойларида Германия иқтисодиёти 0,7 фоиз ўсиши тахмин қилинмоқда.

• Фарбий Антарктидадаги музликларнинг эриши натижасида дунё океанлари сатҳи 4,5 метр кўтарилиши мумкин. «НАСА» ва Калифорния университети олимлари сўнгги қирк йил давомида мазкур худудда қайд этилган ўзгаришларни таҳлил қилиб, ана шундай хулосага келишди.

2014 йил — Соғлом бола йили

«САЛОМАТЛИК — 2020» СТРАТЕГИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси томонидан инсон саломатлиги ва бўлажак насллар камолотига салбий таъсир этаётган тиббий-ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилган «Саломатлик — 2020» стратегияси ишлаб чиқилган.

Пойтахтимизда ушбу стратегияда кўзда тутилган мақсадларга эришишда Ўзбекистон тажрибасига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, миллий ва хорижий экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Л.Тўйчиев, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси бошлиғи А.Хаммаев ва бошқалар инсон манфаатларини муҳофазада, замонавий технологияларга асосланган тиббий ёрдами аҳолининг барча қатламга етказиш, соғлом ва фаровон турмуш кечириши учун қўлай шaroит яратиш Президент Исрол Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлини алоҳида таъкидлади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» госянини ўзида мужассам этган миллий дастур ҳаётга муваффақиятли

таътиқ этилмоқда. Тиббиёт муассасаларини модернизациялаш, жаҳон илм-фани янгилликларини амалиётга кенг жорий этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда соғлиқни сақлаш тузилмалари билан бир қаторда қўлаб қўйиб, жамоат ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бораётди.

Ана шу жараёнда аҳоли муносиб ҳаёт кечириши учун қўлай ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни яратиш ҳам доимий эътиборда. Хусусан, барча соҳаларда меҳнат шароитини замонавийлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, экологик муҳитни барқарорлаштириш, қишлоқ жойларда барча қўлайликларга эга намунавий уйлар барпо этиш, хонадонларда санитария-гигиена шароитларини яхшилаш билан боғлиқ кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида халқимизнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичини ўзайтириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлаш, касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволашга эришилмоқда. Тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган бундай ютуқлар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамда «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекино» намоиш этади» шиори остида ўтказилаётган «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» фестивали бошланди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Ёшларнинг оила қуриш кўникмаларини ошириш ва улар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш чораларини кўриш»

мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ўтказилади.

Пойтахтимиз аҳолисининг асосий қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Бу эса кўп қаватли уйларнинг коммунал хизмати учун масъул хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган қатор қарорлар ушбу тизимда мавжуд муаммоларни бартараф этишда дастуруламал бўлмоқда. Ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат ҳокимиятининг барча тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда бу жараёнда фаол иштирок этадиган фуқароларнинг яқин ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа олдига қўйилган долзарб вазифалар ижросини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда намунали ширкатлар кўп. Бироқ, кўп хонадонли уйлардаги лифтларнинг бир неча ойлаб ишламаётгани, йўлакларнинг фақат биринчи қаватига таъмирланаётгани, томдан чакка ўтиши, совуқ сув фақат учинчи қаватгача кўтарилаётгани, иситиш тизими ёмон ишлаётгани, ертўлаларда эски қувурлардан сув оқиб ётиши, уй-жой мавзёлари олдидидаги даракларга шакл ва ишлов берилмаётгани, ҳовлилардаги ўриндиқларнинг синиб кетгани, болалар майдончалари йўқлигига эътибор бермайдиган ва аҳолининг муносабатларини қаноатлантирмайдиган айрим ширкатлар ҳам йўқ эмас.

Лекин амалиёт шунки кўрсатадики, ХУЖМШнинг муваффақиятли фаолият юритиши нафақат маҳаллий давлат бошқарув органлари ёки уйдабурон раисга, балки фуқароларнинг ташаббускорлиги, фаол иштироки, ўзлари яшаётган уйнинг обод, озода ва ҳар томонлама қўлай бўлиши учун интилишига ҳам боғлиқдир. Шу мақсадда Юнусобод туманида муваффақиятли фаолият кўрсатётган ширкатлардан бири — Улугбек маҳалласида жойлашган «Аёло марварид» уй-жой мулкдорлари ширкатида бўлди. Бу ширкат ёнма-ён жойлашган учта тўққиз қаватли уй негизда ташкил қилинган. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг ширкат ишларига кенг жалб этилган ва фаол иштирок этаётгани, шунингдек, унинг раиси кўллаб-қувватланаётгани тўғрисидаги намунали ширкатлардан бирига айланди.

— Бу уйларда кўллаб муаммолар мавжуд эди, — дейди ширкатнинг ижрочи директори Мавжуда Бойсунова. — Илгари уйимиз йирик ширкатга қарашиб бўлган. Бадалларни ойма-ой тўласак-да, унинг самарасини кўрмадик. Атрофда турли қўзғалар, писта ва тамаки қолдиқлари сочилиб ётарди. 2005 йилда рўйхатдан ўтиб, иш бошладик. Уйлар атрофидидаги худудлар ободонлаштирилди, дараклар экилди, майсазор барпо этилди. Бугун уйимиз олдидидаги гўзаллигини кўрган кишининг баҳри-дили очилди. Илгари уйларнинг ертўласига тушишга қўрқардик, негаки, у ерда ҳар доим сув, чиқинди тўпланиб ётарди, тешикланган қувурлар ҳар хил нарсалар билан «ямалган» ва жудаям қоронғи эди. Ҳозир катта ертўла тозаланиб, электр ўтказилди, пластик қувурлар ва электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Таъкидлаш жоизки, бу хайрли ишларнинг барчаси шу ерда яшайдиган аҳолининг истаги ва фаол иштироки билан амалга оширилди. Ширкатда аҳоли умумий мулкни саранжом-саришта сақлаш билан бирга, муайян ишларни амалга ошириш учун ихтиёрий мақсадли бадаллар ҳам тўлайди. Бадаллар микдорини белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўзлари муҳокама қилишади ва тасдиқлайди. Одамларнинг

Ширкатларнинг нисбатан ихчамлаштирилиши ХУЖМШга хизмат кўрсатиш бўйича тажрибали бошқарув ташкилотларини ташкил этишни тақозо этди. Уларнинг тузилиши ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар сифати ва даражасини ошириш, кўп хонадонли уйларнинг техник аҳолини яхшилаш ҳамда сақлашдан иборат. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ширкатларнинг ишончи йил сайин ортиб бораётди, улар-



ИХЧАМ, БАТАРТИБ ВА САМАРАЛИ



фикрича, «Аёло марварид» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг энг катта ютуғи — бу уларнинг ўз уйининг аҳолини яхшилаш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганидир. Бу ерда яшайдиган ҳар бир одам умумий иш учун дахлдорлигини ҳис қилади. Ширкатда фойдаланиш ҳаражатлари тўловидан қарздорлар йўқ ҳисоби. Ҳатто, кўпчилик хонадон соҳиблари тўловларни ярим йил-бир йил олдин тўлаб беришяпти.

Дастлаб, ширкат таркибига директор, бухгалтер, сантехник, электрик, фаррош, лифтичи кирарди ва тўпланадиган барча бадал уларга иш ҳақини тўлашга кетарди. Одамлар штатлар қисқартирилса, маблагни тежаш мумкинлигини тушуниди. Ҳозир ширкат раиси жамоатчилик асосида ишламоқда, турли ишларни бажарувчиларни эса қўшниларнинг тавсиясига биноан ишга тақлиф қилади. Эндиликда ширкатлар уйларга хизмат кўрсатишни тажрибали бошқарув ташкилотларига топширишмоқда.

нинг ўзаро ҳамкорлиги шартнома асосида амалга оширилмоқда. ХУЖМШ хизматлар буюртмачиси, бошқарув ташкилоти эса уларни бажарувчи ҳисобланади.

— Бошқарув компаниясига хизматлар нархи олдиндан келишдилади, ҳар бир уй учун алоҳида ҳисоб-китоб юритилади, — дейди тумандаги «Мунаввар таъмир сервис» бошқарув компанияси директори Баҳромбек Мухаммедов. — Ҳозирда биз учта ширкат билан шартнома тузиб, мингта хонадонга хизмат кўрсатмоқдамиз. Улардан энг йириги — «Орзу коммунал» ширкати бўлиб, 1 минг 200 нафар аҳоли яшайди.

Аҳолига кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш борасида изчил давом этаётган жараён самарасида шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари сони ортмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, тегишли услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ташкил этилмоқда. Уларга раҳбарларни сайлашда номзодларнинг маълумоти ва мутахассислиги,

Ширкат — ибрат

иш тажрибаси, аҳоли ўртасидаги обрў-этибори ҳамда ташкилотчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратилади.

— Туманимизда 18 та бошқарув компанияси ва маиший чиқинди ташиш билан шуғулланувчи 8 та муқобил компания фаолият юритмоқда, — дейди Юнусобод тумани Хусусий уй-жой мулкдорлари уюшмаси раиси Ботир Қосимов. — Биз уларга фаолиятини яхшилаш, хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишга кўмаклашмоқдамиз. Ҳозирда бошқарув компанияларининг уч-тўрттасида баъзи камчиликлар учраб турибди. Уларга ўзининг мавқеини мустаҳкамлаш учун ёрдам кўрсатишмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ширкатларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш, уларнинг иш самарадорлигини оширишда юртимиздаги тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳам кўл келмоқда. Юнус ота маҳалласидаги «Хашар» ширкати ўтган йил Ипотекабанкдан 8 миллион, Санотқурилишбанкдан 24 миллион сўм сармоя олиб, бешта кўп қаватли уйларнинг томини, ўн та йўлакни таъмирлаб, йўлакларга темир эшиклар ўрнатди. Айни вақтда Санотқурилишбанкдан яна 16 миллион сўм атрофида 6 фойзли сармоя олиш учун муносабат қилди.

— Ширкатимиз ўзини ўзи бошқариш тизимининг тўлақонли идораси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди «Хашар» ХУЖМШ ижрочи директори Улмасхон Газатўраева. — Айни пайтда бешта кўп қаватли уй, 310 квартирага хизмат кўрсатамиз. Ободонлаштириш ишлари давом эттирилиб, иккита кўп қаватли уй ёнида болалар майдончаси ва оталар чойхонаси қурилди. Жорий йилда банк сармоясига ертўлаларни ва кириш йўлакларидидаги электр тизимларини таъмирлашни режалаштираётмиризм.

Тумандаги «Юксак коммунал сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳам намунали фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда ширкат тўртта кўп қаватли хонадонда яшовчи 265 хонадон эгалари билан шартнома тузган. Аҳоли томонидан томдан чакка ўтиши борасида кўллаб муносабатлар бўлгани боис, ҳозирда барча томларнинг усти замонавий томёқичлар билан қопланган бўлиб, камида 10-15 йиллик кафолати бор.

Кайд этиш жоизки, ширкатларни етарли даражада ваколатла, зарур имтиёз ва преференцияларга эга бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантирмай туриб, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш мушкул. Ширкатларнинг фаолияти кишиларга ортиқча бош оғриғи туғдириш эмас, балки уларнинг умумий мулкни бошқаришдаги муаммоларни ҳал этишдан иборат бўлмоғи лозим. Аъзолардан тўпланган маблағларни бошқа мақсадларга йўналтириш эмас, аслида, уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга сарфлаш даркор. Зеро, ҳисобли дўст айрилмас.

Бу мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, ширкатларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришга қаратиладиган алоҳида эътиборнинг самараларидандир.

Зиёда ВОҲИДОВА
СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманидаги «Аёло марварид» ширкати фаолиятидаги лавҳалар

Сўз — конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК АЛЛОМАЛАР ВАТАНИ

Самарқанд шаҳрида 15 май кун «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий конференция ўз ишини бошлади. Унда жаҳоннинг элликка яқин давлатидан олимлар ва зиёлилар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этади.

ЎЗА муҳбирлари конференциянинг хорижлик иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш институти директори, профессор (Германия):

— Афсонавий Шарқ тимсоли — Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири, юзлаб аллома ва мутафаккирлар яшаб ижод қилган бой тарихий ва маданий меросга эга шаҳардир. Бу ерда ўтказилаётган халқаро конференция Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан ўзбек замнининг тарихий, маданий ва илмий меросини тиклашга, асраб-авайлашга ва тарғиб қилишга қаратилаётган улкан эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Бу диёрда камолга етган кўллаб алломаларнинг ижоди ва фаолиятидан яхши хабардорман. Хусусан, астрономия асосчиси Мирзо Улуғбек, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг илмий ва бадиий мероси бутун инсониятнинг бебаҳо мулкидир.

Буюк олим Мирзо Улуғбекнинг беназир кашфиётлари жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Унинг тадқиқотлари кейинчалик кўллаб олимларнинг, жумладан, таниқли немис астрономи ва математиги Иоганн Кеплернинг илмий ютуқларига асос бўлиб хизмат қилган.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари, унинг дунё адабий ҳазинасидан жой олган бебаҳо дурдона асарлари мазмун-моҳияти билан бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Турли халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик илм-фан тараққиётида, ҳар қандай жаҳоннинг маънавий юксалишида катта аҳамият касб этади. Мазкур халқаро конференция ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Унда дунёнинг кўллаб мамлакатларидан келган олимлар ўзбек халқининг бой илмий ва маънавий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, очилмаган қирраларни кашф этиш ва уларни ҳаётнинг турли жаҳаларига татбиқ этиш борасида фикр алмашиш имконига эга бўлади.

Мен конференциядаги маърузамда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш ниятидаман.

Фаина ЛИНЬКОВА, Питтсбург университети профессори (АҚШ):

— Ўзбекистонга илк ташрифим асносида олган олам-олам таассуротларимни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Тошкентдаги музей ва тасвирий санъат галереялари менда катта таассурот қолдирди.

Бу заминда етишиб чиққан буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Жумладан, Мухаммад Мусо Хоразмий ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожини учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратгани жаҳон цивилизацияси ривожига бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг арифметикага доир асарлари бугунги кунда биз фойдаланадиган ўнлик ҳисоблаш тизими ва шу тизимдаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан танишдим. Кутубхонада жуда қадимий нашрлар, ноёб кўлёзмалар ва ҳужжатлар, турли адабиёт ва асарлар сақланар экан. Энг қувонарлиси шундаки, барча фойдаланувчиларнинг электрон ресурслардан, кутубхонада ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкони мавжуд. Кутубхонада кўллаб ёш китобхонларга кўзим тушди. Уларнинг ўқиб-изланаётганини кўриб, жуда таъсирландим. Бу ўзбек заминидан буюк бобоклонларига муносоиб ёш авлод тарбия топаётганидан далолатдир.

Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

2014 йил — Соғлом бола йили

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон тиббиётининг онкология тизими, ушбу касалликнинг олдини олиш ва уни самарали даволашнинг замонавий усуллари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, Республика онкология илмий маркази директори С.Наврўзов ва бошқарув Юртбошимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимидида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида онкология соҳасида олиб борилаётган истиқболли ишлар, онкологик касалликларни даволашнинг замонавий усуллари борасида батафсил маълумот бердилар.

Анжуманда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида тиббиётимизнинг турли жаҳалларида, жумладан онкология тизимидида ҳам тўз ўзгаришлар соқ берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишнинг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу тизимнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлат бюджети томонидан онкология тизими ривожини учун ажратилаётган маблағлар микдори бу йил қарийб икки баробар оширилди. Онкологик ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, замонавий тиббий техник ускуналар билан жиҳозлаш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги онкология диспансерлари янги бинода фаолият юритмоқда. Бир қатор диспансерларда радиология бўлимлари ташкил этилган. Онкология соҳасида ягона электрон ахборот базаси яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу базанинг яратилиши натижасида, Республикаимизнинг барча худудларида аниқланаётган онкологик касаллик билан оғирган беморлар ягона тизимда ҳисобга олинди. Мазкур тизим онкологик касалликка чалинган беморларни ҳисобга олиш, уларга ташхис қўйиш, даволаш, кузатиш ишларида узвийлиқни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда, онкологик касалликларни кечиктирмай аниқлаш ва ўз вақтида даво чораларини қўллаш борасида доимий изланишлар олиб боришмоқда. Шунинг

алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Республика онкология илмий марказида сут бези, меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталикларидида жаррохлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фаолиятини тиклашда ижобий натижаларга эришилди. Даволашнинг янги усуллари яратилиши тўғрисида мингглаб беморлар соғлом ҳаётга қайтарилди.

Энг муҳими, бундай мураккаб жаррохлик амалиётлари фақат Республика онкология илмий марказида эмас, вилоят ва шаҳар онкологик диспансерлари мутахассислари томонидан ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Жойлардаги ихтисослашган онкологик даволаш муассасаларида юқори технологиялар энг нозик операцияларни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги беморларнинг ҳаётини сақлаб, уларнинг умрига умр қўшмоқда.

Онкология соҳасини ривожлантиришда хорижий етакчи клиникалар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция каби давлатларнинг етук олимлари иштирокида халқаро конференцияларнинг ташкил этилиши бунинг ёрқин исботидир.

Еш онколог олимларимизнинг чет эл клиникаларида малака ошириб келишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Уларнинг бир қанчаси нуфузли халқаро танловлар ғолиби бўлишган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида изчил изланиш, янгича муноажа услубларини амалиётга кенг татбиқ этиш, мутахассислар малакасини ошириш ва уларнинг тажрибасини бундан-да оммалаштиришдек муҳим вазифалар ижросини таъминлашга доимий равишда эътибор қаратилаётди. Инчунин, ушбу саъй-ҳаракатларнинг бари юртимизда инсон қадрини, унинг ҳаёти ва соғлиғини ҳамма нарсадан устун эканлигининг амалий ифодасидир.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига соҳа мутахассислари томонидан батафсил жавоб олдилар.

Гулнигор САТТОРОВА

Qishloq Qurilish Bank

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилди.

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Айниқса, бу чора-тадбирларнинг қишлоқ жойларда ҳам кенг татбиқ этилганлиги қувонарли ҳолдир. Бу эса қишлоқларда ёш тадбиркорларнинг ўз мақсадларини амалга оширишларида жуда қўлай имконият бўлди. Мен ҳам қишлоғимизни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим.

Бизнинг «Шўрчи олтин тупроқ» масъулияти чекланган жамияти-миз фаолиятининг йўлга қўйилишида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Шўрчи филиалининг алоҳида ўрни бор. Чунки қоронғимиз фаолиятини бошлангичдаги банкнинг молиявий мадади замин яратди. 2011 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш, узоғини яқин қилиш мақсадида транспорт хизматини кўрсатиш учун бизнес-режа ишлаб чиқдик. Мақсадимиз аҳолига хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, янги иш ўринларини яратиш ҳам эди. Лойиҳа банкнинг малакали мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва 89 миллион сўм микдорда кредит ажратилди. Мазкур кредит маблағи ҳамда ўз маблағларимиз ҳисобига 5 дон «Исузу» русумли автобусларни сотиб олдик ва туманда зарур йўналишлар бўйича транспорт қатновини йўлга қўйдик. 2012 йилда эса қўшимча равишда 114 миллион сўм микдорда кредит олдик ва кредит маблағини яна шундай автобусларни сотиб олишга йўналтирдик.

Транспорт хизматини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган 2 та лойиҳа асосида туманда 30 та янги иш ўринлари яратилди. Янги иш ўринларига эга бўлганлардан 4 нафари касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

«Шўрчи олтин тупроқ» масъулияти чекланган жамияти учун ўтган 2013 йил омадлик келди ва уни 268,5 миллион сўм соф фойда билан яқунладик.

Эришилган натижалардан илҳомланган ҳолда, янги режалар устида изланмоқдамиз. Келгусида ҳам ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга татбиқ этишда бирга ишлаш ниятидамыз.

С.ХАБИЛАЕВ,
«Шўрчи олтин тупроқ»
МЧК раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бошлангич таълим сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

2014 йил — Соғлом бола йили

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Унда халқ таълими тизими мута-саддлари, педагогика соҳасида изланиш олиб бораётган олимлар, услубчилар, бошлангич синф ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги эзгу савий-ҳаракатларда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга давлат сиёсатининг энг му-ҳим йўналишларидан бири сифа-тида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этила-ётган «Таълим тўғрисида»-ги қонун билан масканларини тубдан таъ-мирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифати ва мазмунини яхшилаш имконини бермоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дас-турда бошлангич синфларда ўқитиш самарадорлигини ошириш, бу йўналишдаги таълим сифатини яхшилаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Бу борадаги ишлар-ни изчил амалга ошириш мақсади-да Халқ таълими вазирлиги томо-нидан умумий ўрта таълим тизими-да бошлангич таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётди.

Мазкур дастурга кўра бошлан-гич таълимнинг мезъори асослари чуқур таҳлил қилиниб, давлат таъ-лим стандартлари, ўқув дастурла-ри, ўқитувчи қўйилмаган мала-ка талаблари ва бошқа мезъорлар замон талаби асосида қайта иш-лаб чиқилди. Айни пайтда бошлангич

таълимнинг мазмунини такомил-лаштиришга доир замонавий пе-дагогик технологияларни аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш, дарс-ликлар мазмун-моҳиятига ижодий ёндашув асосида мақсадларни син-гдирлишга, яъни билим бериш би-лан бир қаторда, ўқувчиларда ама-лий кўникмаларни шакллантириш-га алоҳида аҳамият берилмоқда.

— Ўқувчининг билим олишга бўлган интилиши, иштиёқи, маъ-навий дунёси, тафаккурининг шакл-ланишида бошлангич таълим му-ҳим ўрин тутди, — дейди Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошлангич синф ўқитувчиси Сурайё Муродо-ва. — Ўқувчиларга билим бериш жараёнида болаларнинг ўзлашти-ришини доимий рағбатлантириш, илгор таълим услублари, замона-вий ахборот-коммуникация техно-логиялари, мультимедиа дастур-ларни имкон қадар кўпроқ амали-ётга жорий этишга ҳаракат қилаёт-тиримиз. Буларнинг барчаси бола-ларнинг дарсларни пухта ва мукам-мал эгаллашида асосий омилдир.

Тадбирда бошлангич таълимни модернизациялаш ва самарадор-лигини оширишнинг илмий-ама-лий масалалари, чет тилларини ўқитиш тизими, 1-4-синф ўқувчи-лари ўқув фаолиятини ривожлан-тириш, уларнинг мантикий ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, таълим сифатини оширишга инновацион ёндашувлар каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ўқитишнинг ушбу бўғи-нини янада такомиллаштиришнинг истиқболлари баҳолаб олинди.

Назозат УСМОНОВА,

ЎЗА МУХБИРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли тиббий-ижтимоий ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимизнинг соғлом ва узок умр кечириши учун муносиб шарт-шароит яратиш, санитария-эпидемиологик барқарорликни сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ Ўзбекистон Республикаси соғлиқ-ни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош давлат санитария вазири Саидмурод САИД-ДАЛИЕВ билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар самаралари хусусида суҳбатлашди.

— Мамлакатимизда аҳолини юқумли касалликлар-дан ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари ҳамда амалий механизми яратилган, — дейди С.Саидали-ев. — Жумладан, тиббий-санитария ёрдами кўрса-тиш тубдан яхшиланган, эмлаш тадбирлари юқори савияда ва ушқоқлик билан ўтказилаётгани халқи-мизнинг ҳаёт сифатини ошириш, тиббий-профилак-тик ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилаёт-тир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорида белги-ланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу борада-ги ишлар кўламини янада кен-гайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу қарор ижроси туфайли соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинлари қатори санитария-эпидемиология хизматининг ҳам моддий-техник салоҳияти юксалиб, амалиётда замонавий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Бундай тадбирлар мамлакатимиз-да санитария-эпидемиология ҳолатини барқарор сақ-лаш, ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Санитария-эпидемиология соҳасида барқарорликка эришишда юқумли касал-ликларга қарши курашиш муҳим омил ҳисобланади. Иммунопрофилактика бу борадаги муҳим йўналиш-лардан биридир.

Мамлакатимизда болаларни юқумли касалликлар-га қарши эмлашнинг миллий тақвими яратилган ва у муттасил такомиллаштирилмоқда. Жумладан, 18 ёшга-ча бўлган болалар ўн та юқумли касалликка қарши эмланмоқда. Қадалокларни гепатитнинг В турига қарши туркунонадаёқ эмлаш йўлга қўйилган ушбу касаллик бўйича эпидемик вазиятни яхшилаш имко-нини бераётди. «Соғлом бола йили» Давлат дас-турида бу борадаги ишларни такомиллаштириш мақ-садида икки юз минг нафар 1-3 ёшли болани вирус-ли гепатитнинг А турига қарши эмлаш режалашти-рилган. Айни пайтда ушбу чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан изчил иш олиб борилаётди.

Давлат дастурида миллий эмлаш тақвими тако-миллаштириш билан боғлиқ бир қатор вазифалар белгиланган. Режага биноан янги вакциналарни жо-рий этиш юзасидан иш олиб боришмоқда. Бугунги кунда болалар ўртасида тез-тез учраётган, уларнинг саломатлигига жиддий таъсир этаётган касалликлар-дан бўлган диареяга қарши ротавирус вакцинаси қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-лиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг

болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиз-даги ваколатхонаси ҳамкорлигида махсус стратегик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доираси-да ҳар йили етти миллион нафарга яқин бола гиж-жага қарши лаборатория текширувидан ўтказилмоқ-да.

— Аҳоли ўртасида овқатдан захарланиш би-лан боғлиқ ҳолатлар учраб туради. Жойларда бу-нинг олдини олиш мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Маълумки, бу муаммага асосан уй шароитида, санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя этилмай тайёрланадиган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш асосий сабаб бўлаётди. Бу жараёнда аҳоли-нинг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда, аҳоли ўртасида овқатдан захар-ланиш ҳолатларини ўрганиш мақсадида узлуксиз профилактик тадбирлар ташкил этилмоқда. Барча

ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

деҳқон бозорларида тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсу-лотларини сақлаш ва сотиш жараёни узлуксиз назо-ратга олинган. Бундай маҳсулотларнинг сифати мун-тазам равишда лаборатория текширувидан ўткази-лади. Уй шароитида тайёрланган консерва ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг савдосига йўл қўймас-лик бўйича мунтазам рейдлар ўтказилаётди. 2013 йилда ўтказилган ана шундай тадбирлар жараёнида уй шароитида тайёрланган тўққиз минг литрдан ортқ консерва маҳсулотлари ўрнатилган тартибда йўқ қилинди.

Бугунги кунда марказий деҳқон бозорлари ва улар-нинг шохобчаларига мутахассисларимиз бириктирил-ган. Улар амалдаги чора-тадбирлар режасига муво-фиқ санитария назорати олиб бормоқда. Хусусан, бозорларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, тоза-лаш, ободонлаштириш тадбирларининг ўтказилиши, савдога чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати назорат қилиниб, бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ-тартибот идоралари, солиқ, ветеринария хизмати ва бозор ҳодимлари билан ҳамкорликда уй шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг олдини олишга қаратил-ган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай муаммоларга қарши курашишда тарғибот-тушунириш ишлари муҳим омил ҳисобланади. Барча таълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзи қоидалари, ботулизм ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш юзасидан ижодий шакл танлови ўтказилмоқда. Мутахассислар маҳалаларда тушунириш ишлари олиб бормоқда. Бозорларнинг радиоюзеллари орқали радиоролик ҳамда мутахассислар билан мулоқотлар мунтазам бериб боришмоқда.



Танловлар

БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

— Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёса-тини амалга оширишга қара-тилган қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»-ги Қаро-ри ижросини таъминлаш мақсадида ушбу танловни ташкил этдик, — дейди Фафур Фулом номидаги ма-даният ва истироҳат боғи раҳбари Баҳодир Султонов. — Ватанимиз мустақиллиги-нинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қад-риятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни келажак-ка ишонч, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу танлов ёш ҳаваскор иж-рочиларимиз орасидан энг иқтидорлиларни саралаш баробарида мусиқа санъати-нинг келажакдаги юлдузла-рини кашф этмишда ҳам му-ҳим аҳамият касб этади.

Танлов иштирокчилари-нинг маҳорати санъат ва ма-



даният соҳаларида фаолият олиб бораётган нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Жумладан, 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳаваскор ижрочилар ўртаси-да Гран-прига, ўн ёшли Яс-мина Гарипова ва ўн икки ёшли Алёна Тихоненкова са-зовор бўлди.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган мусиқа шайдолари орасида эса, биринчи ўрин, Жессика Лаксан, иккинчи ўрин Шаҳзода Юлдашевага насиб этди.

Фафур Фулом
номидаги
маданият ва
истироҳат боғида
«Биз буюк юрт
фарзандларимиз!»
шиори остида 10
ёшдан 18 ёшгача
бўлган ҳаваскор
ёш ижрочи
хонандалар
ўртасида
«Офарин» кўрик-
танлов бўлиб
ўтди.

Голиблар боғ маъмурияти томонидан эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Ҳа, «Биз буюк юрт фарзан-дларимиз» танлови ҳаваскор ёшларнинг мусиқа санъати-га бўлган қизиқиш ва инти-лишларининг янада ортиши-га, ўзларига бўлган ишончи-нинг мустаҳкамланишига им-кон яратди. Шу билан бирга бу каби ижодий кўриқлар уларни изланишга, интилиш-га, янги куй ва қўшиқлар ус-тида ишлашга қорлайди.

Гулчеҳра САТТОР кизи

— Мамлакатимиз ҳудудига четдан хавфли ин-фекциялар кириб келишининг олдини олиш ва эпидемиологик барқарорликни кучайтиришда жойларда фаолият юритаётган санитария-эпи-демиология лабораторияларининг ўрни катта. Ушбу муассасаларнинг моддий-техника базаси-ни такомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бугунги кунда вилоят, шаҳар ва туманлардаги ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида 158 лаборатория фаолият кўрсатмоқ-да. Ушбу лабораторияларда замонавий текширув ус-лубларининг жорий қилиниши таҳлилларни сифатли ва самарали ўтказиш, мураккаб эпидемиологик ва-зиятларда зудлик билан зарур чора-тадбирларни кўришга имкон яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори бўйича барча да-волаш-профилактика муассасаларида, жумладан, дав-лат санитария-эпидемиология назорати марказлари-да тўлиқ инвентаризация ўтказилиши, моддий-тех-ник базанинг аҳоли баҳолаши лозимлиги кўрса-тилган.

Мазкур қарор ижроси доирасида давлат санита-рия-эпидемиология назорати марказлари лаборато-рияларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. За-монавий компьютерлар, поля-рографлар, хроматографлар, ротацион буглангирчилар, газ анализаторлари, иммунофер-мент анализаторлари ва бошқа техника воситалари олинди.

2013 йилда бактериология лабораторияларида ичак инфекциялари диагностикаси сифатини ошириш мақ-садида таҳлиллар ўтказиш учун ишлатиладиган диа-гностикум ва зардоблар харид қилинди. Бу ишлар ла-боратория синовлари қисқа муддатларда, юқори аниқлик билан ўтказиш имконини бермоқда.

Республика Давлат санитария-эпидемиология хиз-матида ўтказилаётган бундай тадбирлар натижаси-да халқаро стандартлар даражасида жиҳозланган, ҳар қандай эпидемик хавфни бартараф қила олади-ган, юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қодир тизим шаклланди.

Бу тизимда эришилаётган ютуқлар халқроқ ми-қёсда ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, 2013 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтка-зилган текширув натижасига кўра, Республика ДСЭНМ вирусология лабораторияси Ўзбекистонда кизамиқ-қизилча касалликларининг диагностикаси бўйича Миллий лаборатория сифатида аккредита-циядан ўтказилди. Шунингдек, полиомиелит диагно-стикаси бўйича ўтказилган ишлар ҳақидаги ҳисобот эътироф этилиб, унга полиомиелит диагностикаси бўйича Миллий лаборатория мақоми берилди.

Бу ютуқлар инсон манфаатларини муҳофазалаш йўлида амалга оширилаётган муҳим ислохотларнинг самараларидир. Айни пайтда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида тизимда амалга оши-рилаётган ишларни янги, юқори босқичга олиб чиқиш, мамлакатимизда санитария-эпидемиология соҳаси-да эришилаётган барқарорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ишлар кўлами янада кенгайилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА
суҳбатлашди.

«Камолот»

БИЛИМДОНЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент Автомобиль йўллари институтида ушбу ташкилотнинг 13 ёшга тўлганлиги муносабати билан «Бирлашиб, биз — катта кучмиз!» шiori остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир давомида Тошкент Автомобиль-йўллари институтини ректори Мадаминжон Арипджанов ҳамда институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйи-ча проректори Гулчеҳра Турсуновалар сўзга чиқиб, «Камолот»чи ёшларга ўз тилақларини билдириб, омад тилашди.

Мазкур байрамда ташкилотнинг 13 ёшига ҳамо-ҳанг тарзда 13 та танлов номинациялари эълон қилиниб, унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарака-тига аъзо бўлган институтнинг энг зукко ва билим-дон талаба йигит-қизлари иштирок этди.

— Ушбу тадбирни ўтказишимиздан мақсад «Ка-молот» ЕИХ ташкил топганининг 13 йиллигини ни-шонлаш билан бирга фаол ёшларимизни рағбат-лантириш ҳамдир, — дейди Тошкент Автомобиль йўллари институти «Камолот» ЕИХ бошлангич та-шкilotи раиси Акмал Жумабоев. — Маълумки, ёшларнинг ўз олдларига қўйган эзгу мақсадлари-нинг амалга ошишига кўмаклашиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ташкилотимизнинг асосий вази-фаларидан бири ҳисобланади.

Тадбирда институтнинг «Механика» ҳамда «Кув-ноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг «Чемпи-онлар кубоги» голиби «Осмондаги болалар» тер-ма жамоалари ўзларининг ҳазилга бой чиқиш-лари билан барчага кўтаринки кайфият улашди-лар.

Голиблар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди, шу билан бирга тадбирда иштирок этган барча йигит-қизларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

ШОШИЛИНЧ ХИЗМАТЛАР ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ ЎЗГАРМОҚДА

Жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шошилинч ва махсус хизматларнинг телефон рақамлари, шаҳарлараро ва халқаро алоқага чиқиш префикслари ўзгаради. Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида Халқаро электр алоқа иттифоқи тавсияларига мувофиқ мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини рақамлаштиришни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлашти-риш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Unicon.uz» давлат унитар корхонаси, мобил алоқа операторлари вакиллари, алоқа ва телекоммуни-кация соҳаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилот ва корхоналар мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида изчил ишлар амал-га оширилмоқда. Зарур маълумотларни узок масо-фага тезкор узатиш имконияти замонавий жами-ятнинг муҳим таркибий қисмидир.

«Unicon.uz» давлат унитар корхонасининг алоқа ва ахборотлаштириш илмий-тадқиқот департамен-ти бошлиғи А.Мирҳабировнинг қайд этишича, шо-шилинч ва махсус хизматлар телефон рақамлари-ни универсаллаштириш борасида тайёргарлик иш-лари олиб борилаётди. Пойтахтимизда шошилинч ва махсус хизматларнинг уч ва тўрт рақамли те-лефон рақамлари ишлаб турибди. Вилоятларда эса ушбу ташкилотларга ҳозирча эски рақамлар орқа-ли кўнғирақ қилинмоқда. Май ойида уларни тўлиқ ягона рақамга ўтказиш режалаштирилган.

Янги рақамларга ўтишни ташкил этаётган соҳа корхоналари ва телекоммуникация операторлари шошилинч хизматлар аҳамияти ва муҳимлигини инобатга олиб, аҳолини қўллаётган ўзгаришлар-дан хабардор қилмоқда. Бундан ташқари, нуқолай-ликлар юзга келмаслиги учун дастлабки уч ой да-вомида янгилиги билан бирга ҳозирда амалда бўлиб турган рақамларга ҳам кўнғироқ қилиш мум-кин.

Шаҳарлараро ва халқаро алоқа префикслари «8» дан «0» га ва «8-10» дан «00» га алмаштирилади. Бу аҳолига қўшимча қулайликлар яратади.

— Бундай ўзгаришлар мобил алоқа сифати-га ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, — дейди ЎЗА муҳбирига «Ucell» компаниясининг таянч тармоқ ва трансмиссия секцияси бошлиғи Б.Юрцевер. — Аҳолини сайт ва бошқа хабарлар орқали оғоҳ-лантиришни режалаштиряпмиз. Шунингдек, ком-пания томонидан махсус автоматик тарзда жа-воб берадиган тизим ўрнатилди. Бу тизим эски рақам терилганда кўнғироқ қилаётган мижозга шошилинч хизматнинг янги рақамини хабар қилади.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган савол-ларга батафсил жавоб қайтарилди.

Роман БОНДАРЧУК



Бокс

ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сидней Жаксон хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнир бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Бокс федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирдан кўзланган мақсад мамлакатимизда бокснинг ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Сидней Жаксонни хотирлаш, спортчиларимизнинг халқаро тажриба ва маҳоратини ошириш, уларни нуфузли мусобақаларга босқичма-босқич тайёрлашдан иборат.

Халқаро турнирнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турлари қатори бокснинг ривожлантиришга қаратилган юсак эътибор ўзбек бокс мақтаби вакилларининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Спортчиларимизнинг йирик спорт мусобақаларида иштирок этиши ва юқори натижаларни қўлга киритишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ спортчилар ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш, истеъдодли спортчиларни танлаш ва маҳоратини ошириш, уларнинг халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратишга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонлик боксчилар 2013 йили Филиппинда ёшлар, Қозғистонда ўсмирлар ва Иорданияда катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатларида муваффақиятли иштирок этди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Россияда ўтган XXVII Жаҳон универсиада-сида битта олтин, тўртта кумуш ва учта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида кучли ўқликдан жой олди. Қозғистонда ўтказилган XVII жаҳон чемпионатида Жасурбек Латипов кумуш, Ойбек Мамазулонов бронза медал билан тақдирланди.

Жорий йилги спорт мавсумида ҳам ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари қатор нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида иккита олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза, жами саккизта медалга жамғариб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Болгариянинг София шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медалга сазовор бўлди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган Сидней Жаксон хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнирда ҳамюртларимиз билан бирга ўнга яқин мамлакатдан 100 нафардан зиёд боксчи ғолиблик учун куч синашмоқда.

Мазкур турнир терма жамоамиз аъзолари учун жорий йилнинг 19 сентябрь – 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида муҳим тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди. Турнирда жаҳон ва қитъа чемпионатлари совриндорлари билан бир қаторда ёш иқтидорли спортчиларимиз ҳам иштирок этмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ

Пойтахтдаги Икуо Хираяма халқаро маданият қарвон саройида К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси Муҳаббат Мусахонованинг «Соғлом бола йили»га бағишланган «Илк қадам» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

ИЛК ҚАДАМ

Экспозицияга муаллифнинг 70дан ортиқ ишлари қўйилган бўлиб, уларда меҳр билан ишланган юртимиз табиати манзаралари, гуллар, портретлар, турмуш тарзинининг тарихга айланиб бораётган айрим кўринишлари, Тошкент шаҳридаги қатор замонавий бинолар акс этган.

Кўргазманинг очилишида экспонатлар ёнидаги давра суҳбатида таъкидланганидек, Муҳаббат ижодида юртимиз табиати, қадриятларига, оилага, яқинларига бўлган меҳр акс этган. Айниқса, ёш муассавира портрет, манзаралар жанрида муваффақият қозонмоқда.

М.Мусахонова 1996 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида, сўнгра

Республика рассомлик коллежиди ўқишни давом эттирди. Ўқувчилик йилларидаёқ турли хил кўрик-танловларда муваффақият билан қатнаша бошлади. Институтда ўқоётганда сабоқ олиб «Устоз-шогирд» тизимида ўз устида ишлаб, ижодий биографияси янада бойиди. Унинг дастлабки «Устозларимга ташаккур» кўргазмаси муваффақият қозонди. Аънавий Тасвирий санъат фестивалида ва бошқа кўрик-танлов, кўргазмаларда фаол иштирок этиб, диплом, фахрий ёрликлар ва бошқа совринлар билан тақдирланган. Шунингдек, институтда ҳам ўқишдаги ютуқлари ва жамоат ишларидаги фаоллиги билан танланган.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

• Миробод туманида Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, М.Юсупов кўчаси, 1-уй, 31-хонадонда яшовчи Саша Сулаймонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ООО «VIDA STRIM» менежер, Ойбек кўчаси, 42-уй, 29-хонадонда яшовчи Володя Калужиннинг уйига девор орқали олиб тушиб, 300.000 сўмлик «Cat Bike» маркали велосипедини ўғирлаб кетганлиги аниқланган.

• Яна шу шахснинг ўзи, Шахрисабз кўчаси, 5-уй, 101-хонадонда яшовчи Дилрабо Улуғованинг уйига симёғочни кесиш йўли билан кириб, 200.000 сўмлик «Украина» маркали велосипедини ўғирлаб кетган.

• М.Улуғбек туманида Сурхондарё вилояти, Мураббот тумани, Ш.Бобоев кўчаси, 32-уй, 83-хонадонда яшовчи Лобар Ботированинг уйига меҳмонга келиб, уй эгаси йўқлигидан фойдаланиб 2.000.000 сўм пули ва 700.000 сўмлик тақиниқларини ўғирлаб кетганлиги аниқланиб, ушланган.

• Юнусобод туманида жойлашган Илмий-текшириш институтларидан бирида суд-

ланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Х.Эргашев кўчаси, 36-уй, 11-хонадонда яшовчи Лариса Бурмакова вояга етмаган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, А.Ортиқов кўчаси, 116-уйда яшовчи Мадина Ғоипованинг стол устида қолдириб кетганлигидан фойдаланиб 400.000 сўмлик «Нокия» уяли телефон аппаратурини ўғирлаб кетганлиги аниқланган.

• Яккасарой туманида У.Носир кўчаси, 152 «а»-уйда жойлашган «Хикмат Авто-сервис» МЧЖда автомобиль ювувчи, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Х.Ниёзий кўчаси, 3-уй, 4-хонадонда яшовчи Икром Шеров, ушбу МЧЖда пайнет оператори, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 1«а»-уй, 90-хонадонда яшовчи Алишер Хаитбоевга тегишли «Нексия-2» русумли, давлат рақами 01 К 653 НА бўлган автоуловни эркин йўл билан эгаллаб, номаълум томонга олиб қочиб, Чилонзор тумани, Гулбод кўчасига келиб, автоуловдан ҳайдовчига тегишли 2.000.000 сўм пулларни ўғирлаб олиб, автоуловни

57-уй олдида қолдириб кетган.

• Олмазор туманида Қорақамиш даҳаси, 3А-уй олдидаги 3665-сонли гаражни калит танлаш йўли билан очиб кириб, Тошкент политехника коллежи талабаси, Қорақамиш даҳаси 16-уй, 75-хонадонда яшовчи Вадиим Гулямов, Қорақамиш даҳаси 11-уй, 80-хонадонда яшовчи Наум Борисов ва Қорақамиш даҳаси 8А-уй, 32-хонадонда яшовчи Виктор Сергеевлар Қорақамиш даҳаси 3А-уй, 61-хонадонда яшовчи Солиха Ҳакимовага тегишли сумкадан 2.540.000 сўмлик аёллар кийимини ўғирлаб кетганлиги аниқланиб, улар ушланган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-модда 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати хабарлари асосида
Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади

«Баркамол авлод — 2014»

ТАЙЁРГАРЛИК
ИШЛАРИ СЎНГГИ
БОСҚИЧДА

Миллий матбуот марказида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларига кўрилатган тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Президентимиз раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, спортни ривожлантириш, фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди. Уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик олимпиада деб ном олган «Баркамол авлод» мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Бу йилги мусобақалар олдингиларидан фарқли равишда спортнинг ўн олти тури бўйича бўлиб ўтади. Иштирокчиларнинг аксариятини спорт билан мунтазам шуғулланиб, юсак марралар сари интилаётган, турли мусобақаларда тажриба ва маҳоратини ошириб, катта спортдаги муваффақиятли одимларини бошлаш арафасида турган иқтидорли ёшлар ташкил этади.

Наманган вилоятида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мусобақалар дастурига киритилган спорт турлари бўйича иншоотлар, иштирокчилар жойлаштирилган меҳмонхона ва ётоқхоналар, бошқа ижтимоий-маиший объектлар замонавий тарзда жиҳозланди. «Дўстлик» теннис корти мажмуасидаги очик ва ёпиқ кортлар, Наманган Олимпия заҳиралари коллежининг баскетбол, «Пахлавон» спорт мажмуасининг бадий гимнастика заллари мусобақаларни ўтказишга шай ҳолга келтирилди.

«Баркамол авлод — 2014» мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари, жараёнларни ёритишда иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари ходимлари учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилди. Интернет тармоғига уланган компьютерлар, алоқа ва бошқа техника воситалари тахт қилиб қўйилди. Махсус яратилган www.barkamolavlod-2014.uz веб-сайти нафақат журналистлар, балки барча қизиқувчиларга хизмат қилади.

«Баркамол авлод — 2014» беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнғилочар тадбирларга бой маданий дастур ҳам тайёрланган. Унда танikli спортчилар, ёзувчи ва шoirлар, санъат намояндalари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга сaёхатлар, турли концерт дастурлари, бадий фильм ва спектакллар намойиши режалаштирилган.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА мухбири

«102» ХАБАРЛАРИ

Анжуманлар

ИНТЕРФАОЛ УСУЛДАГИ
СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тошкент Педиатрия-тиббий институтини қошидаги 2-академик лицейда «Мен ҳам раҳбар бўламан» мавзунда семинар-тренинг ташкил этилди.

«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан академик лицей ҳамкорлигида ўтказилган ушбу анжуман ўқувчиларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, уларнинг жамоа билан ишлаш маҳорати ва кўникмаларини ошириш каби бир қатор хайрли мақсадларни қамраб олганлиги билан эътиборга лойиқ.

Тренингда машғулотлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси директори ўринбосари Топшўлат Холиқов бошчилигида интерфаол усулда ўтказилиб, маълумотлар ҳаётини мисоллар орқали тушунтирилиб, тингловчиларнинг мавзунини тез ўзлаштиришларида хизмат қилди. Уларга лидерлик тушуниш, турлари ва хусусиятлари, шахс ва жамоага таъсир кўрсатишнинг самарали усуллари ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Тадбир жараёнида ёш етакчилар ва улар дўх келиши мумкин бўлган вазиятлар, қўлланадиган оммабоп усуллар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Машғулот давомида олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш, ёшлар билан ишлашда уларнинг руҳий, жисмоний ва интеллектуал имкониятлари ҳамда уларни инobatга олиш бўйича амалий тавсиялар, маслаҳатлар бериб ўтилди. Шунингдек, тарбияси оғир, вояга етмаганлар комиссияси назоратида туровчи ва мунтазам равишда дарс қолдирувчи айрим болалар билан ишлаш, уларни жамоатчилик ишлари ва дарс жараёнига жалб қилиш бўйича мақбул усуллар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Гуруҳ сардорлари ва фаоллар иштирок этган ушбу тадбир натижада жонли ва кўтаринки руҳда ўтди. Ишонамизки, ўқувчи-ёшлар ундан ўзларига керакли маълумотларни олдилар ва келгусидаги фаолиятларида албатта қўллайдилар.

Дилшома ДАУЛЕТБАЕВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети
талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕТРОПОЛИТЕН
ХИЗМАТИДАН
ФОЙДАЛАНУВЧИ
ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2014 йилнинг 18 ва 21 май кунлари Тошкент метрополитени йўналишларида йўловчилар оқимини ўрганиш тадбири ўтказилади.

ЙЎЛОВЧИЛАР ОҚИМИНИ
ЎРГАНИШ ТАРТИБИ
КУЙИДАГИЧА:

1. Метрополитен ҳудудига киришда ҳар бир йўловчига ҳисобчилар томонидан махсус карточка тарқатилади.

2. Йўловчи етиб борган станциядан чиқишда ўзига берилган карточкани ҳисобчига қайтариб беради.

Йўловчилар оқимини ўрганиш — автобуслар ва йўналишли таксилар қатнов йўналишларининг метрополитен станциялари билан узвий боғлиқлигини янада такомиллаштириш ҳисобида йўловчиларнинг керакли манзилга қисқа вақтларда етиб боришини таъминлаш, шаҳар йўловчи ташиш транспортда сифатли хизматга бўлган эҳтиёжни қондириш, Тошкент метрополитенининг самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини ривожлантириш имкониятини яратади.

Сиздан, йўловчилар оқимини ўрганиш тадбирида фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги



Тошкент шаҳрида 16 май кунини ҳаво ўзариб туради, ёғинга кўнгли бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазис кўнарилиши тахмин килинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент оқшони

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масафалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилиб ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 556

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12091 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ